

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 12 март, № 50 (4460)

Чоршанба

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

11 март куни Оқсаройда Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовга Тошкент тиббиёт академиясининг Фахрий доктори унвони берилишига бағишланган тантанали маросим бўлди.



Мамлакатимиз раҳбари Ислоом Каримов Туркманистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи самарали бўлганини, ушбу саммит мамлакатларимиз тараққиётига, халқларимиз фаровонлигини оширишига, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустақамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги гуманитар алоқалар, хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида тўхтади. Туркманистон Президентининг мамлакат соғлиқни сақлаш тизими-ни ривожлантириш бора-

сидаги самарали фаолиятини қайд этди. Туркманистон Президентининг Гурбангули Бердимухамедовга Тошкент тиббиёт академиясининг Фахрий доктори унвони берилди. Олий мартабали меҳмонга ушбу юксак илмий унвон дипломи тантанали равишда топширилди ва докторлик мантияси кийгизилди. Гурбангули Бердимухамедов бундай юксак эътибор учун Ислоом Каримовга миннатдорлик изҳор

этди. Ўзбекистон Президентининг раҳбарлигида барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам амалга оширилган кенг қамровли илохотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. — Биз бошқа соҳалар қатори тиббиёт соҳасида ҳам ўзаро илмий ва амалий ҳамкорликни изчил ривожлантиришдан манфаатдоримиз, — деди Туркманистон Президентининг. Шу куни Ислоом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Туркма-

вий технологиялар билан жиҳозланганига юқори баҳо берди. Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда ушбу корхона билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади. Гурбангули Бердимухамедов Гури Амир мақбраси, Регистон майдони, Шоҳи Зинда мажмуини зиёрат қилди ҳамда Улугбек расадхонаси билан танишди.

Туркманистон Президентининг Самарқанднинг тарихий обидалари ҳам, бетақдор, замонавий қиёфаси ҳам кишини ҳайратга солишини, ўчмас таассурот қолдиришини эътироф этди. Шу билан Туркманистон Президентининг Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасида давлат ташрифи ниҳоясига етди. Бу ташриф 2007 йилнинг октябр ойида Ашхобдада ўтган Ўзбекистон — Туркманистон саммитининг мантиқий давоми бўлди. Ташриф асносида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўз тараққиётининг янги палласига кирганидан, ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганидан ёрқин далолатдир.


Гурбангули Бердимухамедов Гури Амир мақбраси, Регистон майдони, Шоҳи Зинда мажмуини зиёрат қилди ҳамда Улугбек расадхонаси билан танишди.

Туркманистон Президентининг Самарқанднинг тарихий обидалари ҳам, бетақдор, замонавий қиёфаси ҳам кишини ҳайратга солишини, ўчмас таассурот қолдиришини эътироф этди. Шу билан Туркманистон Президентининг Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасида давлат ташрифи ниҳоясига етди. Бу ташриф 2007 йилнинг октябр ойида Ашхобдада ўтган Ўзбекистон — Туркманистон саммитининг мантиқий давоми бўлди. Ташриф асносида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўз тараққиётининг янги палласига кирганидан, ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганидан ёрқин далолатдир.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) олган сурат.

Парламент ҳаёти

Мамлакатимизда 2003-2007 йиллар оралиғида 7 мингдан ортиқ интеллектуал мулк объектлари — ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, ЭХМлар учун дастурлар, маълумотлар базалари, селекция ютуқлари рўйхатга олинган.



ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК МУҲОФАЗАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги қўнғилиқнинг тақомиллаштирилиши" мавзусида семинарда келтирилган ушбу маълумотлардан ҳам қўнғилиқ турибдики, юртимизда бу борада катта ўзгаришлар бўлаётди. Чунки, бугун интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш учун зарур барча ҳуқуқий асослар яратилган. Аввало, мамлакатимиз Конституцияси, Фуқаролик ва Жиноят кодекслари, шунингдек, еттига қонун ушбу соҳанинг равнақига хизмат қилмоқда.

Семинарда таъкидланганидек, айни пайтда мазкур ҳуқуқий ҳужжатларни янада тақомиллаштириш зарурати туғилмоқда. Негаки, интеллектуал мулкнинг тараққий этиши давлат иқтисодиётига улкан сармоя киритилишига, шунингдек, инновацион технологияларнинг жорий этилиши оқибатида халқ ҳўжалигининг турли жаҳдаларини модернизациялашга хизмат қилади. Шу боис "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қўнғилиқни қўйи палатанинг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида биринчи ўқушда қўриб чиқилиб, маъқуланган эди. Депутатлар ушбу қўнғилиқни ҳозир иккинчи ўқушга тайёрлаётганини, тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари, олимлар томонидан бидирилган фикрлар, тақлифлар лойиҳанинг янада пухта ва пишиқ бўлишига замин яратётганини қайд этишди.

Тадбирда сўз олган соҳа экспертлари интеллектуал мулкни ҳимоя этиш борасида бажарилаётган ишлар, қўнғилиқнинг тақомиллаштирилиши, пировардида, ютуқларга эришишга, энг муҳими, мамлакатимизнинг ривожига хизмат қилишини эътироф этишди.

Кеча пойтахтимиздаги "Дедеман Силк Роуд" меҳмонхонасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон тўз ишлаб чиқарувчилари уюшмаси ҳамкорлигида давра суҳбати уюштирилди.

ЙОД ТАНҚИСЛИГИДАН ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ

Йодланган ош тузи ишлаб чиқаришнинг қўнғилиқ ва технологик йўналишлари, шунингдек, бозорни йодланган маҳсулотлардан ҳимоя қилишга бағишланган мазкур тадбирда юртимизнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда тузи ишлаб чиқарувчи корхоналар вакиллари қатнашди. Қўйи палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси И. Насриевнинг таъкидлашича, семинар ишида мутахассисларнинг кенг доираси — Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Эндокринология маркази, "Ўзмедэкспорт" ва "Ўзфармасноат", Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси мутахассислари, энг муҳими, тузи ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар раҳбарлари қатнашаётгани ушбу масаланинг нақадар долзарблигини кўрсатади. Утган йили қабул қилинган "Йод етишмаслиги касалликларини профилактикаси тўғрисида"ги Қонун оралиғида йод танқислиги натижасида пайдо бўладиган касалликларнинг барча йўналишларини муҳофаза этишга қаратилган. Шу тўғрисида Қонун ижроси нафақат тузи ишлаб чиқарувчилар, балки бир қатор ташкилотлар олдида ҳам долзарб вазифаларни қўяди. Дарҳақиқат, бугун дунёда йод етишмаслиги оқибатида кўпгина мамлакат азият чеқмоқда. Чунки, аксарият ҳаюмур-

ларимиз ҳам йод етишмаслиги туфайли буюк касалликка учираган. Оналар ва болаларда бу кўрсаткич анча юқори бўлиб қолаётди. Юртимизда кейинги пайтларда йод танқислигининг олдини олиш борасида муайян ишлар, тадбирлар амалга оширилди. Энг аввало, юқорида номини зикр этилган Қонуннинг қабул қилингани бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилди. Шу билан бирга, "Йодланган ош тузи" Ўзбекистон давлат стандарти қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди. Шунингдек, ЮНИСЕФ ва Осиё тараққиёт банки қўмағида тузи йодлаш учун зарур ускуналар харид қилиниб ва тизимли равишда йодат калий етказиб беришнинг миллий механизмига асос солинди. Қўлаверса, асосий тузи ишлаб чиқарувчи корхоналар лабораториялар билан жиҳозланди, жараён сифатини мониторинг қилиш йўлга қўйилди. Анжуман иштирокчилари йодланган тузи ишлаб чиқаришнинг қўнғилиқ ва техник жиҳдаларини, жумладан, йодат калий импорти масаласини ҳам муҳофаза этишди. Бу борадаги хасталиқларнинг олдини олишга хизмат қилувчи қўнғилиқнинг мониторинг қилиш бўйича ҳам фикр ва мулоҳазалар билдирди.

К. ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭЗГУЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Ота-боболаримизнинг хотирлашича, аждодларимизнинг Самарқанд заминига келишганига салкам уч аср бўлибди. Шундан буюн биз, туркманлар ўзбеклар билан тинч-тотув, аҳил-инқош, тўйларимиз, маъракаларимиз, байрам шодлиқларимиз бир. Урф-одатларимиз, удулларимиз ўхшаш.

Бугун маҳалламизда 20 дан зиёд турман оиласи яшайти. Улар ҳаммиси ўзбеклар билан ёнма-ён. Ишда, оқшда, турмушда елкадош. Аллақачон уларнинг ҳаммаси ўзбеклар билан қўнда.

Эсимни танибманки, ҳеч ким бизни фалон миллатга мансуб сан, деб ажратган эмас. Аксинча, беғубор ва баргикенг ўзбек халқи бизнинг миллатимизни ҳаммиси эъозлайди, ҳурмат билан қўнда.

Дил сўзи

кўрсатади. Урф-одатларимизга эътиром билан қарайди. Ўз навбатида, биз ҳам ана шундай эъозга муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз. Самарқандлик туркманларнинг аксарияти шаҳарга тугаш худудларда яшайти. Туркманқўш-лоқнинг уч маҳалласида ҳам фуқаролар йиғинларига туркман

Учкун РАХИМОВ, Самарқанд туманидаги Юқори туркман маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ҲАШАР — ЁШЛАРГА ЯРАШАР



Юртимизда кўлам нафаси уфуриб, дов-дараклар жонланмоқда. Яшил майсалар Наврўзи олам яқинлашайтиганидан далолат бермоқда. Янгилиниш ва яшариш сурури сезилаётган бундай кунларда халқимиз азал-азалдан ҳашарга овланган. Ҳовли-жойлар, боғу роғлар, дала-даштар қишда тўпланиб қолган хас-хазонлардан тозаланиб, кўкалдзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари бажарилган.

Наврўз нафаси

Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамоллигида аждодларимизнинг ана шундай бебаҳо қадриятларини қайта тиклаш, урф-одатларимизни янгича маъно ва мазмун билан бойитишга қаратилаётган улкан эътибор ўз самарасини бераётди. Наврўз байрамини нишонлашга тайёргарлик доирасида анъанавий тарзда умумхалқ хайрия ҳашари ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 1 мартдаги фармойишига мувофиқ, март-май ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлари, деб эълон қилинди, 15-16 март кунлари эса умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади. Бундан қўзланган мақсад "Ёшлар йили" Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, халқимизга хос баргикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, савоатлилик ва меҳр-оқибат каби эзгу қишлоқларни янада юксалтириш, умумхалқ байрамлари арасида маҳаллалар, кўчалар, аҳоли тураржойларини ободонлаштириш, санитария-эпидемиология ҳолатини янада яхши-

лаш ва Наврўз байрамини нишонлашга пухта тайёргарлик кўришдан иборат. Айни кунларда жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари уюшқоқлик билан ташкил этилаётди. Тураржой мавзелари, маҳалла ва қишлоқларда даракларни оқлаш ва буташ, кўча ва йўлакларни тартибга келтиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Кўп қаватли уйлар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, жибонлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар, ариқ-зовурлар тозаланмоқда. Оқова сув тизимлари ва қудуқлар таъмирланиб, болалар спорт майдончалари кўркам ҳолга келтирилмоқда. Ҳашарни уюшқоқлик билан ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш мақсадида "Маҳалла" жамғармаси ҳузурида республика ишчи гуруҳи тузилди. 2008 йилнинг юртимизда Ёшлар йили деб эълон қилиниши навқирон авлоднинг жамиятимиздаги илохотлар жараёнида фаолигини янада

(Давоми 2-бетда).

"Орол муаммоси, унинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири, оқибатларини енгилаштириш борасида халқаро ҳамкорлик чоралари" мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари Мўйноқ туманида бўлди.

АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИ ОРОЛЬ ЎЙИДА

Халқаро анжуман иштирокчилари дастлаб Мўйноқ туманидаги Оролбўйида денгиз тубини кўкаламзорлаштириш ишларининг аҳоли билан танишдилар. Уларга минтақадаги экологик вазият, ҳудудда амалга оширилиши кўзда тутилаётган вазифалар, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги иш жойлари ташкил этиш бора-сидаги ишлар ҳақида сўзлаб берилди. Анжуман иштирокчилари туман марказий шифохонасида ҳам бўлиб, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар. — Германия билан Ўзбекистон ўрта-

сида турли соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилган, — дейди Германия федерал иқтисодий ҳамкорлик вазирлиги бошқарма бошлиғи Рольф Балдус. — Хусусан, Оролбўйи минтақасида аҳоли саломатлигини мустақамлаш, Орол денгизи тубини кўкаламзорлаштириш орқали тузали чанг-тўзонларнинг ҳавога кўтарилишини олдини олиш бўйича лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқдамиз. Келгусида ушбу минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш юзасидан янги лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

А. ОРТИҚБОВ, ЎЗА мухбири.

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

2008 йилда республикаимизда саноат ишлаб чиқаришини 9,6 фоизга ошириш мўлжалланмоқда.

Саноатнинг стратегик муҳим тармоқлари бўлиши ёқилғи-энергетика комплекси, рангли ва қора металлургия соҳасининг ўсишини таъминлаш, шунингдек, кимё ва энгил саноат, нефть-кимё, қурилиш материаллари саноати, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга устуворлик бериш орқали шундай ижобий кўрсаткичга эришилади.

Бир рақам шарҳи

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида қилган маърузасида парламент юқори палатаси ва маҳаллий Кенгашлар ўртасидаги алоқаларни янада яқинлаштириш, бу борада ҳамкорлик янги йўлга қўйилмаганини таъкидлаган эди: «Сенат аъзолари ўз ваколатларини маҳаллий кенгашлар депутатларидан олган ва уларнинг олий органдаги тўлақонли, аини вақтда шу кенгашларга ҳисоб беришдан вақилларни сифатида фаолият кўрсатади. Бироқ амалда Сенат ва маҳаллий Кенгашлар ўртасида изчил ва самарали алоқа ва ҳамкорлик ҳозиргача йўлга қўйилмаган».

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Олий Мажлис Сенати маҳаллий Кенгашлар билан алоқаларни мустаҳкамламоқда

Президентимизнинг юқорида қайд этиб ўтилган маърузасида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни бажаришга доир Олий Мажлис Сенатининг Харакат дастури ишлаб чиқилган эди. Дастурда маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари раисларининг ишини янада жонлантириш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда ўтказадиган тадбирларнинг таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида уларни Сенат кўмиталари томонидан уюштирилган анжуманлар, дара сўбатлари, семинарлар ва кўмита йиғилишлари янада кўпроқ жалб қилиш ҳам назарда тутилган. Бундан ташқари, маърузада мувофиқ, жойларда мунтазам равишда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг сийёсий ва малакавий даражасини ошириш мақсадида ўқув курслари ташкил этиб келинмоқда.

Вилоятларда ўтказилган анжуманлар ўқув-семинарлар режаси асосида ташкил этилди. Ўқув-семинарларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорий Кенгеси Кўмиталари раислари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари раислари иштирок этишди. Тан олиш керакки, айрим туман ва шаҳарлар маҳаллий Кенгашлари ҳузуридаги доимий комиссиялар фаолиятини янада таъминлашнинг талаб этилмоқда. Зотан, комиссия раҳбарларининг билим ва тафаккури, иш тажрибаси, мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган муҳим ўзгариш ва воқеалардан огоҳлик улар ўз фаолиятини ташкил этишда катта аҳамият касб этади.

асослари ва ваколатлари, Сенат билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ҳамкорлигини таъминлашнинг масалаларига асосий эътибор қаратилди. Иштирокчиларнинг қизиқишларини орттириш мақсадида интерактив усулдан кенг фойдаланилди. Бунда қатнашчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда амалий ишлар олиб бордилар. Бу эса семинарларнинг янада жонли ва мазмунли бўлишига хизмат қилди.

«Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари раислари учун ўқув курси қўлланмиси» тайёрланиб, семинарларнинг барча қатнашчиларига тарқатилди. Машгулотлар мультимедиа дастури ёрдамида олиб борилди.

Маърузалар ва иштирокчилар миллий гоа тарихоти ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ташкилий тузилмалари ҳамда улар фаолиятини амалга ошириш масалалари, сессияларга тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш, депутатларнинг сайловчилар билан олиб бориладиган ишлари хусусида ўзаро фикр алмашишди. Шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фуқаро-

ларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини кучайтиришдаги ўрни ҳамда корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарлари ҳисоботини тинглаш, депутат сўровларини юбориш, кўриб чиқиш ва амалга ошириш тартиблари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бундан ташқари, семинарларда маҳаллий Кенгашлар фаолиятини таъминлашнинг, депутатларнинг ўз ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва маънавийни юксалтиришдаги иштирокини кучайтириш билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама этилди. Шаҳар ва туманлардаги энг долзарб муаммоларнинг ечимини топиш, истиқболли режалар ва дастурларни ишлаб чиқишга доимий комиссияларни кенг жалб қилиш борасида таклифлар ўртага ташланди.

Семинарлар мунозара тарзида уюштирилганлиги туфайли депутатлар анча фол иштирок этишди.

Жумладан, Фарғонада ташкил этилган икки кунлик ўқув-семинарда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорлиқни ривожлантириш масалаларига кенг ўрин берилди. Бундан ташқари, Ижтимоий-маданий масалаларни ривожлантириш масалалари доимий комиссияларнинг «Мақаб таълимининг ривожлантириши» 2004-2009 йилларга мўлжалланган Давлат умумий миллий дастурининг Қувасой шаҳар, Ёзёнов, Фарғона ва Богдад туманларида бажарилишини ўрганиш бўйича ўтказган кўргазмали кўша йиғилиши иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Бир сўз билан айтганда, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ташкил этилган ўқув-семинарлар яна бир бор Сенат ва маҳаллий Кенгашларни бир-бирига яқинлаштириб, улар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига имкон тугдирди.

Гофир АЛИЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.



ДЎСТЛИГИМИЗ АБАДИЙ

Ўзбек ва туркман халқи азалдан қон-қардош, яқин биродар бўлиб келган. Термиз шаҳридаги Паттақасар маҳалласида ҳам икки халқ вакиллари ҳамжихату ҳамнафас яшади.

Уларнинг кундалик кўни-кўшинчилик муносабатларида, аҳилликда ўтказадиган тўю маъракаларида ўзгача фойза ва шуху бор. Айниқса, бундай тадбирлар маҳалланинг санъатта иштиёққанд ёшларидан таркиб топан «Гунаш» ашула ва рақс гуруҳининг иштирокида бўлади.

Шу кунларда гуруҳ раҳбари Қудрат Пиривев бошчилигида «Гунаш» аъзолари Наврўз

айёми тантаналарига ҳозирлик кўришмоқда. Улар яшариш ва янгилиниш айёмини зўр шодибна ва кўтаринки кайфиятга нишонлаш ниятдадилар. Маҳалла гузаридида шўх ашулаю рақслар ила бошланажак тадбир кўпчилигининг дилга қувонч улашса, байрам барчаннинг ёдда қолшига сабаб бўлса, не ажаб?..

Лаблирида табасум ила боқиб турган мана бу истеъдодли қиз — «Гунаш» гуруҳининг фол аъзоларидан бири

И. ХЎЖАЕВ (ЎЗА)
олган сурат.

Янги хабарлар

Марказнинг беминнат кўмаги

Жондор тумани «Лоло» кишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги «Маҳалла» марказида ёш йигит-қизлар турли хунарларни эгалламоқдалар.

Гап шундаки, бу ерда ижтимоий ҳумога эҳтиёжман оила фарзандларига тикувчилик, зардушлик, дурадгорлик сирлари бепул ўргатилади. Ҳозиргача марказда йигирмадан зиёд йигит-қиз сабоқ олиб, хунарли бўлди.

Вилоятда «Маҳалла» жамоармаси ва хомийлар кўмагида ташкил этилган ана шундай марказлар сони йигирматадан ошди.

Кўчат экиб, боғ ярат!

Бомудар туманида бодурчилик билан шуғулланувчи 37 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда.

Богбонлар 647 гектар богдан ҳар йили эл дастурхонига тонналаб мева-чева етказиб беришмоқда. Ҳозирда улар богларни кенгайтириш мақсадида 1500 тупдан зиёд мева-вали дарахт кўчатларни экиш бўйича ишларни жадал олиб бормоқдалар.

Тумандаги «Дўстлик» фермер хўжалигида бўлиб ўтган кўргазмали семинарда шулар ҳақида сўз юритилди, тарқоқни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ.

СОЛИҚ ИМТИЁЗИ — ТАДБИРКОРГА ҚАНОТ

Жорий йил бошидан кучга кирган янги Солиқ кодекси асосида солиқ ставкаларига, жумладан, ягона солиқ тўловига ўзгаришлар киритилди. Унинг ўтган йилдагидан икки фойзага камайгани микрофирмалар, кичик корхоналар, умуман, солиқ солишининг соддалаштирилган тартибининг қўллаётган ҳуқуқий шахсларга кенг имкониятлар эшигини очмоқда.

Ўтган йили Бухоро вилояти бўйича кичик бизнес корхоналари томонидан салкам ўн миллион сўм миқдорда ягона солиқ тўлови ҳисобланиб, давлат бюджетига ўтказилди. Бу йил шунча маблагнинг салмоқли қисми маъруза корхоналар

ҳисобиде қолади. Бир мисол. «Бухоромебель» очик турдаги ҳисдорлик жамиятида бўлур 644 миллион 283 минг сўмлик махсулот ишлаб чиқарилиб, салкам 65 миллион сўм миқдорда ягона солиқ тўланган. Корхонада жорий йилда ҳам

шунча миқдорда махсулот тайёрланса, солиқ имтиёзи қўлланилиши туфайли 13 миллион сўм тежаб қолинади.

— Бу йил 19 миллиард сўмлик хизмат кўрсатишни режалаштирганимиз, — дейди «Ўздуробита» қўша корхона-

си вилоят филиали бош ҳисобчиси Насиба Ражабова. — Солиқ юқининг камайиши туфайли 380 миллион сўм маблаг корхонамиз ҳисобиде қолади. Бу маблагдан замонавий техника воситалари харид қилиш, миқозларга сифатли хизмат кўрсатиш йўлида фойдаланамиз.

Дилором ҲАЛИМОВА,
Бухоро вилояти Давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари.

«Халқаро почта»: ТЕЗКОР ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ

«Ўзбекистон почтаси» очик турдаги акциядорлик жамиятининг «Халқаро почта» филиалини «Ўзбекистонни дунёнинг барча манзиллари билан боғлаб турувчи ришта» десак, хато қилмаган бўлаемиз. Зеро, унинг тамғаси туширилган номалар ва кўтилар хорижий давлатларга кафолатли тарзда етказиб берилаётган бўлса, дунёнинг турли мамлакатларидан юртдошларимиз номига келаятган совға-саломлар, хат ва хабарлар «Халқаро почта» хизмати ходимларининг аниқ ҳаракати туфайли ўз эгаларига бус-бутун етиб келмоқда.

1994 йилдан Бутунжаҳон поч-

та иттифоқи аъзоси Ўзбекистонда халқаро ташкилот белгиланган барча мезърий-ҳуқуқий мезонларга тўлиқ амал қилинади.

Эҳтимол, бир қарашда почта хизмати жуда оддий туюлиши мумкин. Бироқ унинг ўзига хос мураккабликлари ҳам бор. Айтайлик, мамлакатимиз худудига кириб келаятган почта жўнатмалари ичида қонунга ҳилоф буюмлар, адабиётлар ва бошқа нарсалар йўқ деб, ҳеч қандай кафолат бера олмайдим. Аини чоғда юртимиздан хорижга жўнатилаётган шундай кўти-

ларда миллий бойлигимиз саналмиш ноёб санъат дурдоналари ёки нодир буюмлар ҳам бўлиши мумкин. Шу боис бундай ҳолларнинг олдини олиш учун «Халқаро почта» ўта замонавий техник воситалар билан жиҳозланган. Бу ерда халқаро ва ички жўнатмалар ёки кўчларни қабул қилиш цехлари мўтасил видеокузатув орқали назорат қилиб борилади. Почтамот ходимлари хавфсизлик талабларига риоя этиш учун Давлат божхона қўмитаси, Давлат карантин идораси, Маданият ва спорт иш-

лари вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари билан ҳамкорлиқни йўлга қўйишган.

Бугунги кунда «Халқаро почта» дунёнинг 80 дан зиёд давлатлари билан почта алмашинувини амалга оширмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси йўналишлари орқали эса Германия, Англия, АКШ каби 24 та давлат билан тўғридан-тўғри почта ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

— Рўйхатта оли-



надиган хат-хабарларни штрих-кодлар ёрдамида саралаш ва расмийлаштириш ишлари замонавий технологиялар воситасида амалга оширилмоқда, — дейди филиал директори К. Тўлебоев. — Хусусан, бир кеча-кундузда рўйхатдан ўтган 3500 тағача почта жўнатмалари ва 500-600 килограммгача хат-хабарларга, шунингдек, 150-200 тағача халқаро кўтиларга ишлов берилиб, кўрсатилган манзилларига жўнатишмоқда. 2007 йилдан бундан фойдаланишда «Рўйхатта оли» надиған халқаро почта жўнатмаларини етказиш назорати тизини» жорий қилинди. Интернет тармоғига улланган бу тизим ҳар бир микрога «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг веб-сайтига кирган ҳолда, ўз жўнатмаси тақдир хусусида аниқ маълумот олиш имконини бермоқда.

Сандолим ҲАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТЛАРДА: «Халқаро почта» филиали ҳайвонлар лаҳзалар. Темуру ҚУРБОНОВЕВ олган суратлар.

Наврўз нафаси

ҲАШАР — ЁШЛАРГА ЯРАШАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

оширмоқда. Жумладан, умумхалқ ҳашарига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларда йигит-қизларимизнинг иштироки тобора кенгаётир. Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати йигит-қизларнинг бу борадаги эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор лойиҳалар ишлаб чиқди. «Ҳар бир ёшга — бир ниҳол», «Ёшлар боғи», «Ҳашар — ёшларга ярашар» сингари эзгу мақсадлар муҳасаммазланган лойиҳалар шулар жумласидандир.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши матбуот хизматидан маълум қилишларича, юртимизнинг барча ҳудудларида ёшлар ташкилотлари етакчилигида тозалик, ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш ишлари бошлаб юборилган. «Камолот» фаоллари, ўқувчилар, талабалар ва турли соҳаларда ишлаётган йигит-қизлар ишдан ва ўқидан бўш вақтларида муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, қабристонларни ободонлаштириш, кўчат экиш ва уни парвартириш, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар

олиш, уларга қўмаклашиш мақсадида турли ақциялар ташкил этмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Алишер Навоий номдаги Ўзбекистон Миллий боғида ташкил этилди. Унда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, ўқувчи ва талаба ёшлар иштирок этди. Чиқиндилар ташкил қилиди, дарахтларга шакл берилиб оқланди, сув йўллари тозаланди, янги кўчатлар экилди. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида ўтказилган ҳашарни «Камалак» болалар ташкилоти қўллаётган нурунийлар ҳолидан хабар олиб, пансионат ҳудудини ободонлаштириш ва теварак-атрофни тартибга келтиришда жомога яқиндан қўмаклашишди.

Ёшлар ташкилотлари ташаббуси билан ўтказилаётган ҳашарларда иморат қураётган ва уй-жойларини тазмирлаётган ёш оилаларга қурилиш ишларида қўмаклашишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай тадбирлар вилоятларда ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилаётир.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ УСТУНДИР

Фарғона вилояти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий жамиятининг Марғилон шаҳар минтақавий бўлими махсулотлар, турли хизматларнинг сифати ва сертификат даражаси бўйича ҳамда манфаатдор ташкилотларни мунозам хабардор қилиб келмоқда.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида қўнбузилишлари, истеъмолчилар манфаатларига зид ишларни ошқорлаш эҳтимоли бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Бундан ташқари истеъмолчиларнинг ўз сармоясини бераётир. Жумладан, яқинда шаҳардаги «Теракти» маҳалласида истижомат қилувчи фуқаролар А. Икромов ва М. Турғунбоев икки томонлама шартнома мавжуд бўлишига қарамай, телефон алоқасидаги носозликларга барҳам берилмаётганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилишди. Жамият ходимлари бу ишга аралашганидан сўнг уларнинг манфаатлари тўла тикланди, телефон носозлигига барҳам берилди.

Х. Қосимов кўчасида яшовчи фуқаро З. Собиров хўжалик моллари дўконидан «Витек» миксерини сотиб олган эди. Дўконнинг ўзида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган, бу

Жамият ходимлари аҳволни ўрганиб чиқиб, истеъмолчи тўла ҳақ эканлигини исботлашди. Носоз буюм эса дўкон ҳисобидан ташмирлаб берилди.

Бозорларда сифатсиз махсулотларнинг пайдо бўлишига чек қўйишда жамият жамоатчилик назоратига таянмоқда. Шу билан бирга, унинг жомоаси аҳолининг ҳуқуқий саводдонлиги, истеъмолчининг маданий-ишқоришга доир тадбирларни изчил амалга оширмоқда.

Буларнинг барчаси фуқароларни ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишга ўргатиши.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 11 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боже-хона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади.*

1 Австралия доллари	1207,02	1 Польша злотийси	560,08
1 Англия фунт стерлинги	2584,10	1 СДР	2094,25
1 Дания кронаси	265,77	1 Туркия лirasи	1059,63
1 БАА дирхами	353,53	1 Швейцария франки	1254,61
1 АКШ доллари	1298,15	1 ЕВРО	1979,42
1 Миср фунти	237,54	10 Жапуния Корея воши	13,68
1 Исландия кронаси	19,58	10 Япония йениси	125,69
1 Канада доллари	1313,25	1 Россия рубли	54, 07
1 Ҳингй юани	182,66	1 Украина гривнаси	257,06
1 Малайзия ринггити	408,08		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъруза валюталарини ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, бу соҳада аниқ мақсадга қаратилган вазифаларни амалга ошириш натижасида фермер хўжалиқлари тизининг барқарор ва самарали ривожлантиришини таъминлайдиган етакчи кучга айланди.

ФЕРМЕРЛАР ҲАҚИДА

М. Тўраев — шулардан бири. У раҳбарлик қилаётган Дўстлик туманидаги «Эшнэз бобо» фермер хўжалигининг 246 гектар ери бор. Жамоа аҳли ўтган йили 140 гектар майдондан 37,5 центнердан ҳосил олди. Давлатга 525 тонна пахта сотиш эвазига салкам 200 миллион сўм даромад қўрилди. Соф фойда 58 миллион сўмни ташкил этди. Ҳозир «Эшнэз бобо» фермер хўжалигининг 2 та ҳайдов, 4 та чопиқ ҳамда битта транспорт трактори бор. Яқинда лизингга 4 та трактор тирмакчаси ва бошқа техника воситалари сотиб олди. 2000 йилда вилоят фермер хў-

лиқлари давлатга 156 минг тонна пахта етказиб берган бўлса, 2007 йилга келиб, бу кўрсаткич 255,1 минг тоннадан ошди. Ана шу пахта хом ашёсининг юз фоизи фермерлар ҳисобига тўғри келди.

Тумандаги «Зарбулоқ» фермер хўжалиги эса бултур салкам 400 тонна пахта етиштирди. Бундай ютуққа эришишнинг омиллари ҳақида хўжалик раҳбари Қувондиқ Эсиргапов шундай дейди:

— Мустақиллик туфайли банкдан имтиёзли кредитлар олиш, лизингга техника харид қилиш имконияти яратил-

ган, уруғ ва ўғитни ўз вақтида етказиб бериш йўлга қўйилгани бизни шижоат қўрсатиб ишлаган ундамоқда. «Ер тўйса, эл тўйди», деганларни тўғри

Кўрсатаётми. Пировардиди ўтган йили 5065 фермер хўжалигининг ялли даромади 85 миллиард сўмга етди. Бир гектар ердан олинган соф фойда 60 минг сўмни ташкил этди.


Ўтган йили вилоят бўйича ўртача галла ҳосилдорлиги 28,8 центнердан ошди. Бунда ҳам фермерларнинг муносиб улуши бор. Жумладан, Пахтакор туманидаги О. Равашон бошлиқ «Равшан ота» фермер хўжалиги аъзолари 24 гектар ерга бугдойнинг «Крошка» навиини экиб, ҳосилдорлигини 65 центнерга етказдилар. Йиллик даромад 95 миллион сўмдан ошди. Бугун у мавжуд

Баҳориддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Францияда кучли довул

Франция шимолида кузатилаётган кучли довул икки кишининг ҳаётига зомин бўлди.



"Рейтер" агентлиги хабарида айтилишича, табиий

офатдан Брест шаҳри ва Жанубий Нормандия худудлари жиддий зарар кўрган. Бундан ташқари, Ла-Манш бўғозида ҳаракатланаётган кема кучли тўфон оқибатида чўкиб кетди. Ундаги барча йўловчилар қутқариб олинди.

Сайёҳларни олиб қочишди

Тунисда икки нафар австриялик сайёҳ ўғирлаб кетилди.

Бу ҳақдаги хабар "Ал-Жазира" телеканалда намоиш этилди. Тиббийёт соҳасида ишловчи Андреа Коблер ва Вольфганг Эднер Тунисга сайёҳ қилиш мақсадида келишганди.

Ўғирликда "Ал-Қоида" гуруҳи вакиллари қўли бор, деган тахмин мавжуд.

Кураш давом этади

АҚШ президентлигига номзод Барак Обама вице-президент лавозими учун курашаётганлигини маълум қилди.

Гап шундаки, бир неча кун илгари Демократлар партиясидан яна бир номзод Хиллари Клинтон Обамага вице-президент бўлиш таклифини билдирганди. Бироқ Обамага собиқ "биринчи хоним"-

нинг таклифи маъқул бўлмади. У АҚШ президенти бўлиш учун катта имкониятга эгалигини таъкидламоқда.

"Ассошиэйтед-пресс" хабарига кўра, аяни пайтда Обамани 1578, Клинтонни эса 1468 делегат қўллаб-қувватлапти. Президентликка номзод бўлиш учун эса камида 2025 та овоз йиғиш керак.

Микроавтобус ҳалокати



чалардан бири автоулов рулини буриб юбориши оқибатида содир бўлган.

Тирик қолган бир нафар йўловчи аяни пайтда полиция вакилларига кўрсатма бермоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ёшлар йили муносабати билан «Экосан» халқаро ташкилотининг Фарғона вилояти филиали, вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси, табиати муҳофаза қилиш қўмитаси, фермерлар уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ёш фермерлар ўртасида «Она ер — ёшлар қўлида» шiori остида кўрик-танлов эълон қилди.

Ер тақдирига масъулмиз

Танловда иштирок этиш истагида бўлганларнинг кўпчилиги эътиборга олиниб, йўналиш ва номинациялар ҳам кўпайтирилди. Чунончи, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқарган, қишлоқда маданий-маиший инфратузилма ривожига энг кўп ҳисса қўшган, шунингдек, деҳқончилик, мева-сабзавот ва боғдорчилик, чорвачилик йўналишлари бўйича ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида инновацион технологиялардан самарали

фойдаланган, экологияга безарар замонавий технологиялар, биотехнологиялар, минитехнологияларни жорий этган фермерлар учун алоҳида йўналиш бўйича мукофотлар тавсия этилди. Танловнинг бош соврини эса қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиш-тиришда энг юқори кўрсаткичларга эришган «Энг яхши ёш фермер»га тақдим этилади.

С. НАБИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚўМИТАСИ

куйидаги минимал талабларга жавоб берувчи юк автомашиналарининг оғирлигини ўлчовчи 1 комплект тарозини Яллама (Тошкент вилояти) божхона постига сотиб олиш бўйича



танлов эълон қилади:

- энг катта оғирлик ўлчаш даражаси — минимум 60 тонна;
- энг кичик оғирлик ўлчаш даражаси — максимум 200 кг;
- автомашинанинг ўққа тушадиган оғирлигини ҳаракат режимида ва умумий оғирлигини ҳаракатсизлик режимида ўлчаш;
- ўлчов маълумотларини узатиш ва кейинчалик ЭХМ дастурловчи ускуналар ёрдамида қайта ишлаш имконияти.

Ушбу танловда юқоридаги техника воситасини етказиб бериш бўйича етарли тажрибага эга бўлган компаниялар иштирок этишлари мумкин.

Телефонлар: 120-76-00, қўшимча 28-75, 28-93. Тижорат таклифлари 2008 йил 25 мартгача қабул қилинади. Маълумотлар, техник ва тижорат талаблари бўйича мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 3-уй.

ХАЛҚЛАР ДўСТЛИГИ САРОЙИДА

15 март

ХАЛҚАРО ИСТЕЪМОЛЧИЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ЎЗБЕК ЭСТРАДА ЮЛДУЗЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ ГАЛА-КОНЦЕРТ

НАМОИЙШ ЭТИЛАДИ.



Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси



Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси



ФАҚАТ | ЮЛДУЗЛАР

www.kamalov.uz

Tel. 109-00-68

«Дойче Кабель АГ Ташкент» ОАЖ ҚҚ



Кенг асортиментда кабель-ўтказгич маҳсулотлари ва пўлат симдан тайёрланган буюмлар

Турли диаметрдаги пўлат симларни тайёрлаймиз.

Чегирмалар тизими мавжуд

Батафсил маълумот олиш учун сайтими: www.dkg-ag.de



- пўлат сим
- пахта тойини ўраб боғлаш учун сим (пояс)
- тиканли сим
- «Егоза» сими
- пайвандлаш сими
- темир-бетон конструкциялар учун сим (ВР-1, ВР-2)
- мис тилимлар (шины)
- арматура
- михлар

Ўзбекистон, Тошкент ш., 100058, Ж. Обидова к., 276-уй. Тел./факс: (+998 71) 150-21-25 248-36-30, 248-81-89, 248-81-91, 248-20-63. Уяли тел.: 172-00-19, 388-86-06. E-mail: info@dkg-ag.de, export@dkg-ag.de

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Кабель маҳсулотларини ўраш учун металл ва ёғочдан тайёрланган катта галтаклар (баробани)ни сотиб оламиз.

Буюртма бўйича тайёрлаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ



ҲАҚАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР! ТЕЖАМКОР! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- ҳўжалик низоларининг тез ҳал қилиниши (низонинг бир инстанцияда жуда қисқа муддатларда кўриб чиқиши);
- муҳокаманинг камчиқимлилиги (низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг камчиқимлиги);
- судьяларнинг касб маҳорати (энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан судьяни сайлаш тарафлар томонидан амалга оширилади);
- мобиллик (низони Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида кўриб чиқиш имконияти);
- Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-кесиллиги (давлат судига Ҳакамлик суди ҳал қилув қарори мазмуни устидан шикоят қилиш мумкин эмас);
- Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан қафолатланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ҳузуридаги Ҳакамлик суди. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 6-уй. Телефон: (+998-71) 139-43-29. Факс: (+998-71) 132-09-03. web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ҚУРИЛИШ ФИРМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



«ПГС» Тошкент ишлаб чиқариш корхонаси куйидагиларни тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади:

- электр калорифер-иситгичлар (саноат корхоналари учун, қуввати — 6, 12-20 кВт);
- электр калорифер-иситгичлар (маиший, қуввати — 1, 8 кВт);
- мини новвойхоналар (ишлаб чиқариш қуввати — соатига 64 та буханка нон);
- электр қозонлар (кўра), қуввати — 2, 9, 12 кВт;
- кабоб пиширадиган электр кўралар (умумий овқатланиш корхоналари учун ва маиший), қуввати — 1,7-6 кВт;
- сауналар учун электр жиҳозлар, қуввати — 2, 6, 8, 10, 12 кВт.

Буюртмаларни куйидаги манзилларга: Тошкент ш., Гавҳар к., 125-уй, электрон почта: e-mail: pgs4@yandex.ru ёки 279-38-54 тел./факси орқали юбориш мумкин.

2008 йил 31 мартгача буюртма берган ташкилотлар биринчи навбатда ушбу кунгача бўлган нарҳда жиҳозларни харид қиладилар.

Маҳсулот сертификатланган.

Жиҳозлар Давлат Ёнгинга қарши назорат ташкилоти томонидан фойдаланишга руҳсат этилган.

«ВАЗ-ЛАДА» АВТОСАЛОНИДА СИЗНИ МУТЛАҚО ЯНГИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КУТМОҚДА

- Маҳсулот сертификатланган **ВАЗ-2107** Двигатель инжектор Кафолат муҳлати - 2 йил (35.000 км)
- ЛАДА-КАЛИНА** Двигатель инжектор Кафолат муҳлати - 3 йил (50.000 км)
- ВАЗ-21041** Двигатель инжектор Кафолат муҳлати - 1 йил (20.000 км)

Манзилими: Тошкент шаҳри, «Буюк Ипак йўли» кўчаси, 299-уй. Тел.: 300-59-44, 266-59-44 266-59-45

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси тарих кафедраси профессори Бахтиёр Ҳасановга падари бузрукчори **АБДУВАҲОБ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти жамоаси «Халқ сўзи» газетаси муҳбири Зиёда Ашуровага падари бузрукчори **ИСМОИЛ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Олий ҳарбий божхона институти раҳбарияти ва шахсий таркиби ҳарбий ва жисмоний тайёрларик, автомобиль иши кафедраси катта ўқитувчиси Носиржон Ҳошимовга онаси **МУЛАЗАЛ отанинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Фармацевтика институти жамоаси анорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедраси доцентни **Анвар ЗУННУЖОНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақдн-ларига таъзия изҳор этади.

Тошкент Банк коллежи жамоаси банк иши кафедраси мудир Комилжон Ҳомитовга падари бузрукчори **ЗОИТ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Drive your way

Тел.: 250-11-11, 250-69-99, Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил. Маҳсулот сертификатланган.

HYUNDAI Official Partner www.hyundai-motor.com

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Енгил атлетикачилар баҳси

Жиззах Олимпия захиралари коллежида енгил атлетика бўйича 1993-1994 йилларда туғилган ёшлар ўртасида республика биринчилиги бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими соврини учун еттинчи бор ўтказилган мазкур анъанавий турнирда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 200 нафарга яқин ёшлар енгил атлетиканинг 21 тури бўйича беллашдилар.

Уч кун давом этган мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари биринчи ўринни қўлга киритишди. Наманган, Тошкент, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари жамоалари ҳам голиблар сафидан жой олишди.

Голиб спортчилар Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг олтин, кумуш ва бронза медаллари, Жиззах вилояти ҳокимлигининг махсус совринлари билан тақдирландилар.

С. БАҲРИЕВ.



Муҳаммадқодир Абдуллаев, Баҳодир Султонов сингари спорт юлдузларини етказиб берган Андижон вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига муқим жой қуриш эҳтиёжи туғилган эди. Вилоят ҳокимлиги масалани ижобий ҳал қилди. Мактаб ўз биносига эга бўлди. «Андижонёғмай», «Андижонматлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятлари, «Андижоннефтьмаҳсулотлари» унитар базаси сингари қатор ташкилотлар ҳомийлигида зарур жиҳозлар билан таъминланди.



— Шогирдларимизга рингга чиқишлари олдида, бутун бошли халқ Ватан сандан фақат галабани кутаяпти, шунинг учун, деб қайта-қайта ўқирамиз, — дейди Равиль Ҳамроев. — Ватан шаънини, шарафини ҳар нарсадан устун қўйган, ор-номусини ўртага қўйиб рингга чиққан ёшларимиз, шукур, юзимизни ерга қаратишмаётди. Элёр Фуломов ўтган йили Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда иккинчи ўринни эгаллади. Украинада «Ака-ука Кличко» соврини у-ун ўтказилган халқаро беллашувда чемпион бўлди. У Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида ўтказилган харбий хиз-

бозлик, оғир атлетика, белбогли кураш турлари ҳам жадал ривожланмоқда. Ёшларнинг машгулотлар ўтказиши, маҳоратларини ошириши учун ҳамма шароит муҳайёлиги қисқа фурсатларда ўз мевасини берди. Назокат, нафислик ва чағдастлик талаб этадиган қиличбозлик бўйича Гулмира Мамадалиева, Рустам Дўстмухаммедов, Бахтиёр Фаниев сингари умидли спортчилар етишиб чиқди. Гулмира ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган мамлакат биринчилигида (рапира) чемпионликни қўлга киритди. Қозғистоннинг Алмати шаҳрида ўтказилган Осие чемпионати финалига кўтарилди. У ҳам халқаро миқёсдаги спорт усталири қаторидан ўрин олди. Умуман олганда, мактабнинг 18 нафар тарбияланувчиси республика терма жамоаси аъзосидир.

Бир мактабнинг бокс, қиличбозлик бўлимлари фаолияти ҳақида қисқача тўхтадик. Оғир атлетика, кураш бўйича эришилган ютуқлар юқоридагилардан асло кам эмас.

— Илгарилари биз машгулотларни Андижон ва Асака шаҳарларидаги қатор мактабларда ўтказиб келардик, — сўбатга яқун ясади Равиль Ҳамроев. — Ўз биномизга эга бўлдик. Машгулотларда энди узилишлар бўлмайди, эришадиган ютуқларимиз янада кўпаяди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

УСТОЗИДАН ЎЗАЁТГАН ШОГИРДЛАР

— Мамлакатимиз, довруғига доғруқ қўшаётган спортчиларимиз кўп, — дейди гурур билан мактаб директори Равиль Ҳамроев. — Уларнинг ҳеч бири чемпион бўлиб туғилмаган. Аксинча, гамхўр ва талабчан мураббийлар қўлида уни-ўсишган.

Мактабда 535 нафар ўқувчи таҳрибали мураббийлар, таниқли спорт усталаридан бокс, қиличбозлик, кураш, белбогли кураш, оғир атлетика сир-асорларини ўрганмоқда.

— Хар бир ёш гурираб ри-

вожланаётган ниҳолга ўхшайди, — сўзида давом этади сўбатдошимиз. — Ниҳол парваришдан қолса, меҳрдан бебаҳра бўлса, ривожига путур этади. Шогирдларимиз ҳам шундай. Шу боис уларнинг хар бири билан астойдил ишлаш, иродасини чиниктириб бориш талаб этилади. Тинимсиз машгулотлар, ўзаро беллашуларда истеъдод қирралари очилади.

Элёр Фуломов Муҳаммадқодир, Ўткирбек сингари жаҳон боксининг тождорларига хравас-

ланиб бу ерга келганида ҳали жуда ёш эди. Устозлар умиди, ишончи, меҳри Элёрга қанот бўлди. У нафақат жисмонан, балки руҳий жиҳатдан ҳам чиникди. Маҳоратли боксчилардан бирига айланди.

Биз спортчиларимизнинг оламшумул галабаларини кўпинча омадга йўямиз. Бўлса бордир. Лекин омад кучлиларгагина қулиб бокшини, маҳорат, матонат, устоз кўрсатмалари ҳал қилувчи дақиқаларда қўл келишини унутмаслигимиз ҳам керак.

матчиларнинг IV бутунжаҳон спорт ўйинларида (91 кг) голибликни қўлга киритди ва халқаро тоифадаги спорт устаси талабини бажарди.


Мактабнинг яна бир иқтидорли ўқувчиси Равшан Худойназаров ҳақида ҳам илиқ сўзларни эшитдик. Бир қанча нуфузли халқаро мусобақаларнинг муллақ голиби бўлган Равшан халқаро тоифадаги спорт устаси. Хар иккала боксчи мамлакат терма жамоасининг аъзоси.

Андижонда спортнинг қилич-

жамоалар тўла шакллантирилади. — «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг Жиззахда ўтган беллашуварларида умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллаган бўлса-да, Андижон ва Тошкент вилоятларидаги мусобақалардаги натижалардан кўнглимиз тўлмагани, — дейди вилоят ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлигининг ўринбосари Олимжон Саримсоқов. — Нуқсуда ўтадиган ўйинлардан умидимиз катта.

Кудратилла НАҲМИДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ТАБИАТ КҲЙЧИСИ



Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўрғазмалар залида мусаввир Тошпўлат Номозовнинг «Кўнги қўшиқлари» мавзусидаги шахсий кўрғазмаси очилди.

Санъат

Мусаввир манзарани ўз ҳолича эмас, балки уни қалб кўзи билан кўриб тасвирлайди. Уларда инсон ва табиат ўйғунлиги ёрқин бўёқларда акс эттирилади. «Сарчашма», «Баҳор», «Довон» сингари рангтаъсвир ҳамда «Булоқ», «Эски Ғилон» каби акварел услубидаги асарларни томоша қилар экансиз, қалбингизга баҳор наъими уфургандай бўлади. — Хар бир кўнглининг ўз кўшиги бўлади, — дейди мусаввир. — Ўзбекистоннинг тақрорланмас табиатидан илҳомланиб яратган асарларим менинг кўнги қўшиқларимдир.

Дилмурод СОДИҚОВ.

Российский Обои линолеум виниловые

тел. 234-48-11
факс 234-49-58

Форма оплаты — любая

Товар сертифицирован

КУЧЛИЛАР САРАЛАНАЯПТИ

Наманган вилояти ёшлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинларига қизгин тараддуқ кўришяпти.

Нуқсуда ўтадиган мусобақанинг республика финал босқинида вилоятнинг 18 та жамоаси иштирок этади. Беллашувнинг туман ва шаҳар босқинларида 10,5 мингдан ортиқ талаба майдонга тушиб, энг кучлилари саралаб олинди. Айтиш мумкинки, айрим

спорт турлари бўйича республика босқинида чиқадиган жамоалар ҳозирданок кўзга ташланиб қолди.

Бугун-эрта мусобақаларнинг вилоят босқинини уюштириш мўлжаллаб турилибди. Шу жараёнда спортнинг ўн беш тури бўйича Нуқсуда борадиган

Халқаро алоқанинг сезиларли даражада арзонлашиши!



VIP даражадаги тариф режага уланиш!

КОРПОРАТИВ МИЖОЗ ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН РЕСУРСЛАР ЛИМИТИ ПАСАЙТИРИЛГАН!

Барча маълумотлар компания офисларида ва www.cdma.uz сайтида.



(8598) 305-1111
Хизматлар лицензияга эга.
ISO 9001:2000



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 44003 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Оффсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Ф. Санаяев.
Мусахҳах — Ҳ. Топхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Булоқ Тўро» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5 6 7